

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 17 » **сентябрь** 20 18 у.

№ 736

Toshkent sh.

**Таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар
самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон Фармони ва “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда талаба ва ўқувчиларнинг маънавий-маърифий, маданий савиясини мунтазам ошириб бориш, уларнинг ўқишдан бўш вақтини мазмунли ўтказишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига тегишли Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчасида жойлашган собиқ “Фудзияма” кафеси биносини тегишли ҳудуди билан бирга (кейинги ўринларда объект деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат” марказига (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бепул бериш, шунингдек, мазкур объектда Марказ таркибидаги Талабаларнинг медиа ижтимоий фаолияти ва маданий дам олиш масканини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг талаба ва ўқувчиларини юртимиз ҳамда дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, маданий, хусусан, ёшлар ҳаётига оид воқеалар, янгиликлар ва қизиқарли маълумотлардан тезкор хабардор қилиб, уларнинг вақтини мазмунли ўтказишга мўлжалланган виртуал ахборот макони (веб-сайт, портал, форум, мессенжерлардаги каналлар ва ҳ.к.)ни яратиш ва доимий фаолият олиб боришини таъминлаш;

талаба ва ўқувчиларда китобхонлик ҳамда мутолаа маданиятини шакллантириш орқали уларнинг маънавий дунёсини юксалтиришга қаратилган ишларни ташкил этиб бориш;

ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари бўлган талаба ва ўқувчилар ҳамда уюшмаган ёшлар ўртасида уларни ватанпарварлик ва фидойилик руҳида тарбиялашга қаратилган ижтимоий акциялар, тадбир ва танловлар ташкил этиш,

уларда миллий контентга бўлган қизиқишларини оширишга қаратилган блоггерлар клуби фаолиятини йўлга қўйиш;

ўқиш ёки иш юзасидан хорижда истиқомат қилаётган ўзбекистонлик ёшлар билан мунтазам виртуал алоқани йўлга қўйиш ва улар билан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали маънавий-маърифий тарғибот ишларини олиб бориш;

олий ва ўрта махсус таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар, таълим билан боғлиқ долзарб муаммолар ва уларнинг ечимини таҳлил қилиш ҳамда ёритиб бориш мақсадида пресс-клуб ташкил этиш ва унинг доимий фаолиятини таъминлаш;

ёшларнинг бепул маданий дам олишларига қаратилган тадбирлар ташкил этиш, театр томошалари намойиш этиб борилишини таъминлаш, уларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш хизматини ташкил этиш;

талаба ва ўқувчилар туризмини ривожлантириш, ёш авлодни мамлакатимизнинг тарихий жойларига ва буюк аجدодларимизнинг муқаддас зиёратгоҳларига доимий ташрифларини уюштириш;

олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соатлари”ни методик таъминлаш ҳамда турли мавзуларда мультимедиа маҳсулотларини яратиш ва тарқатиб бориш;

профессор-ўқитувчилар, талаба ва ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва коррупциянинг олдини олишга қаратилган маънавий-маърифий тарғибот ишларини мунтазам йўлга қўйиш;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида оммавий, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари ва турли мусобақаларни ўтказиб бориш.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат” марказининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат” маркази фаолиятини такомиллаштириш ҳамда талаба ва ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари дастури 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат” маркази ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлига, зарур ҳолларда, Марказ тузилмасига тасдиқланган ходимларнинг умумий чекланган сони ва меҳнатига ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат” маркази фаолиятини такомиллаштириш ҳамда талаба ва ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш

чора-тадбирлари дастурида белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш чораларини кўрсин;

олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари талабалари ва ўқувчилари, шунингдек, меҳнат ва ўқув жамоалари ўртасида спорт турлари бўйича мусобақалар ва марафонларни юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратсин;

талаба ва ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга муносиб ҳисса қўшаётган профессор-ўқитувчилар ҳамда тўғарак раҳбарларининг фаолиятини мониторинг қилиш натижаларига кўра, уларни тегишли таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда моддий ва маънавий рағбатлантириб боришни мувофиқлаштирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

бир ой муддатда Марказнинг янги таҳрирдаги уставини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Марказни зарур ихтисосликка эга бўлган малакали кадрлар билан таъминлаш, шунингдек, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўрсин;

Марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, талаба ва ўқувчилар ҳамда профессор-ўқитувчилар ўртасида ўтказиладиган оммавий-маданий, спорт-соғломлаштириш ва маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдалансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказ мурожаатига асосан уни зарур телекоммуникациялар, Интернет жаҳон ахборот тармоғига кириш ва телефон алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида “Маънавият ва маърифат” марказини ташкил этиш тўғрисида” 2011 йил 12 январдаги 11-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 1-2-сон, 9-модда) 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “17” сентябрдаги 736 -сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат” марказининг
ТУЗИЛМАСИ**



Марказ ходимларининг чекланган сони (техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдამчи ходимлар ва профессор-ўқитувчилардан ташқари) – 40 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони – 12 нафар.

*Техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдამчи ходимлар сони олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативлар асосида белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “17” сентябрдаги 736 -сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги “Маънавият ва маърифат” маркази
фаолиятини такомиллаштириш ҳамда талаба ва ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини мазмунли ташкил этиш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Масъуллар
1.	Талабалар ўртасида “Йил талабаси” танловини жорий этиш ва унинг ҳар йили ўтказиб борилишини йўлга қўйиш.	1. “Йил талабаси” танловини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркибини шакллантириш. 2. “Йил талабаси” танловининг низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 3. Танловни олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказиб бориш.	2018 йил сентябрь 2018 йил сентябрь ҳар йили	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази
2.	Соғлом оила қуриш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, соғлом турмуш тарзини юритиш (тўғри овқатланиш, гигиена, тиббий маданият, спорт билан шуғулланиш ва бошқалар) асосларини талаба ва ўқувчи қизлар ўртасида манзилли тарғиб этиш мақсадида яқка тартибда тушунтириш ишлари, очик мулоқот, сайёр қабул ва давра суҳбатларини ташкил этиш.	1. Тадбирларни ўтказиб бориш бўйича ишчи гуруҳни тузиш. 2. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. 3. Тадбирларни юқори савияда ўтказиш.	2018 йил сентябрь 2018 йил сентябрь мунтазам	Соғликни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Касб-ҳунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, “Соғлом авлод учун”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъуллар
3.	Талаба ва ўқувчи қизларнинг тадбиркорлик соҳасига оид билим ва кўникмаларини ошириш бўйича тадбиркор, ҳунарманд аёллар иштирокида ўқув-тренинглар ташкил этиш.	<p>1. Ҳамкор ташкилотлар вакилларида иборат ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>2. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўқув-тренинглар режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Ўқув-тренингларни юқори савияда ўтказиш.</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>2018 йил сентябрь</p> <p>мунтазам</p>	<p>ҳалқаро жамоат фонди</p> <p>Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк</p>
4.	Талаба ва ўқувчи қизларни тадбиркорликка йўналтириш ҳамда уларнинг боқимандалик кайфиятига берилишининг олдини олишга қаратилган кўрсатув ва эшиттиришларни ташкил этиш.	<p>1. Ҳамкор ташкилотлар вакилларида иборат ишчи гуруҳини тузиш.</p> <p>2. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда кўрсатувлар медиа-режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Кўрсатувларни юқори савияда ташкил этиш.</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>2018 йил октябрь</p> <p>мунтазам</p>	<p>Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, “Нуроний” жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи</p>
5.	“Буюкларни тарбиялаган онажонлар” рукнида атоқли олимлар, таниқли арбобларнинг оиласи, аввало, уларни тарбиялаган оналар ҳақида туркум мақолалар ва кўрсатувлар ташкил этиш. “Фарзандлар тарбиясида китобнинг ўрни” мавзусига оид мақолаларни мунтазам равишда тайёрлаш ва чоп этиб бориш.	<p>1. Ҳамкор ташкилотлар вакилларида иборат ишчи гуруҳи тузиш.</p> <p>2. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда иш режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Мақолаларни тайёрлаш ва чоп этиб бориш.</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>2018 йил октябрь</p> <p>мунтазам</p>	<p>Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги,</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъуллар
				Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
6.	Талабаларнинг ижтимоий-психологик ҳолатини янада яхшилаш мақсадида ҳар бир олий таълим муассасасида мутахассислардан иборат Социологик ва педагогик-психологик хизмат гуруҳини ташкил этиб, таълим муассасаси раҳбарига мазкур гуруҳ аъзоларини ҳар ойда белгиланган тартиб асосида моддий рағбатлантириб бориш ваколатини бериш.	1. Белгиланган тартибда ҳар бир олий таълим муассасасида мутахассислардан иборат Социологик ва педагогик-психологик хизмат гуруҳини ташкил этиш. 2. Социологик ва педагогик-психологик хизмат гуруҳи фаолиятини мониторинг қилиб бориш.	2018 йил сентябрь мунтазам	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
7.	Талаба ва ўқувчи қизларга шарт-шароитлар яратиш, уларга бўлган юксак эътибор сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон Фармонининг мазмун-моҳияти ҳақида давра суҳбатларини ташкил этиш.	1. Талаба ва ўқувчи қизларга шарт-шароитлар яратиш бўйича тадбирлар ўтказадиган ижодий гуруҳ тузиш. 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон Фармонининг мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича тадбирларни ўтказиш режа-жадвалини тасдиқлаш. 3. Режа-жадвал асосида тадбирларни ташкил этиш.	2018 йил сентябрь 2018 йил ноябрь мунтазам	Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Республика Маънавият ва маърифат маркази
8.	Талабалар турар жойларида таълим муассасасининг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, талабалар учун барча шароит ва имкониятларга эга бўлган хунармандчилик ва илм-фанга доир тўғарақлар ҳамда ўқув курслари ташкил этиш.	1. Ҳар бир талабалар турар жойидаги тўғарақ ёки ўқув курси учун мос бўлган жойларни аниқлаб, рўйхатини шакллантириш. 2. Талабалар турар жойларида хунармандчилик ва илм-фанга доир тўғарақлар ҳамда ўқув курсларини ташкил этиш.	2018 йил сентябрь 2018 йил ноябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
9.	Таълим муассасаларида “Президент асарлари билимдони”, “Тафаккур синовлари”, “Кувноқлар ва зукколар”, “Талабалар театр студиялари”, “Ёш	1. Олий таълим муассасаларининг йиллик харажатлар сметасига ўтказилаётган танловлар ҳамда спорт мусобақаларини олий таълим	ҳар йили	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъуллар
	китобхонлар”, “Ягонасан, муқаддас Ватан!” каби республика миқёсида ўтказилаётган танловлар ҳамда спорт мусобақаларини юқори савияда ташкил этиш мақсадида уларни олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.	муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш бандини киритиш. 2. Танловлар ҳамда спорт мусобақаларининг ҳар бир олий таълим муассасасида юқори савияда ташкил этилишини таъминлаш. 3. Ўтказилган тадбирлар натижасини мониторинг қилиш.	алоҳида режа асосида мунтазам	ва маърифат маркази
10.	Таълим муассасалари ўртасида республика миқёсида ташкил этилаётган спорт мусобақалари сонини янада ошириш, мусобақалар ўтказиладиган спорт турларини кенгайтириш, таълим муассасалари ўртасида спорт турлари бўйича ўртоқлик учрашувлари ўтказиб борилишини йўлга қўйиш.	1. Таълим муассасаларида ташкил этилаётган спорт мусобақалари турларини қайта кўриб чиқиш. 2. Таълим муассасалари ўртасида республика миқёсида ташкил этилаётган спорт мусобақалари сонини янада ошириш ва мусобақа ўтказиладиган спорт турларини кенгайтириш чораларини белгилаш. 3. Таълим муассасалари ўртасида спорт турлари бўйича ўртоқлик учрашувлари режасини ишлаб чиқиш.	2018 йил сентябрь 2018 йил октябрь мунтазам	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар
11.	Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги тўғарақларни тўлиқ хатловдан ўтказиш ва барча тўғарақларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида тўғарақ раҳбарларини моддий қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.	1. Тўғарақ раҳбарларига иш ҳақи миқдорининг 25 фоизигача бўлган миқдорда устама ҳақ белгилаш бўйича намунавий тартиб ишлаб чиқиш. 2. Талаба ва ўқувчиларни ўз қизиқишидан келиб чиққан ҳолда тўғарақларга кенг қамраб олинишини таъминлаш. 3. Талабалар томонидан тўғарақлар давомида яратилган маҳсулотлар реализациясини ва кўرғазмаларини йўлга қўйиш.	2018 йил сентябрь 2018 йил октябрь мунтазам	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъуллар
12.	Талабалар турар жойидаги тарбиячи-педагогларнинг педагогик маҳорати ва ёшлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар бўйича малакасини ошириш чораларини кўриш ҳамда улар учун сайёр семинар-тренинглар ўтказиб бориш механизмини жорий этиш.	<p>1. Тарбиячи-педагогларнинг малакасини ошириш юзасидан таклиф ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>2. Тарбиячи-педагогларнинг малакасини ошириш ва улар учун семинар-тренинглар ўтказиб бориш бўйича таклиф ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Ишлаб чиқилган таклиф асосида тарбиячи-педагогларнинг малакасини ошириш механизмини жорий қилиш.</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>2018 йил октябрь</p> <p>2018 йил ноябрь</p>	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар
13.	Талабаларда китобхонлик ва мутолаа маданиятини юксалтириш мақсадида гуруҳлар, факультетлар ва таълим муассасалариаро (онлайн, видеоконференция тарзида) адабий учрашувлар, шеърят кечалари, адабий ўқишлар, навоийхонлик, бобурхонлик каби тадбирларни ташкил этиш.	<p>1. Тадбирларнинг манзилли режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Тадбирларни ўз вақтида ташкил этиб бориш.</p> <p>3. Ўтказилаётган тадбирларнинг мониторингини юритиш.</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>режа асосида ҳар чоракда</p>	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар
14.	Ҳар бир таълим муассасасида нотиклик маҳоратига эга бўлган талаба (ёки ўқувчи)лардан иборат “Ёш тарғиботчилар клуби”ни ҳамда “IQ-SHOU” номли телетанловни ташкил этиш.	<p>1. Клубнинг намунавий низомини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Клубларнинг таълим муассасалариаро сафарларини уюштириш.</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>режа асосида</p>	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар
15.	Талаба ва ўқувчиларни янги ахборотлар билан мунтазам таъминлаб бориш мақсадида талабалар турар жойларидаги Ахборот-ресурс марказида мавжуд китоблар билан таъминланган хона ва Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган (маълумотлар базасига уланган) хонага эга бўлмаган талабалар турар жойлари рўйхатини шакллантириш.	<p>1. Ахборот-ресурс марказида мавжуд китоблар билан таъминланган хона ва Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган (маълумотлар базасига уланган) хонага эга бўлмаган талабалар турар жойлари рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Талабалар турар жойларидаги Ахборот-ресурс марказида мавжуд китоблар билан таъминланган хона ва</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>2018 йил октябрь</p>	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Масъуллар
		Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган (маълумотлар базасига уланган) хонани ташкил этиш. 3. Хоналардан фойдаланиш бўйича доимий назорат олиб бориш.	мунтазам	
16.	Талаба ва ўқувчилар ўртасида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ғояларини кенг тарғиб қилиш мақсадида тизимли равишда диний уламолар билан учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш.	1. Тадбирларнинг манзилли режасини ишлаб чиқиш. 2. Тадбирларни ўз вақтида ташкил этиб бориш. 3. Ўтказилаётган тадбирларнинг мониторингини юритиш.	2018 йил сентябрь режа асосида мунтазам	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, манфаатдор вазирлик ва идоралар
17.	Мутахассисларни жалб этган ҳолда, талаба (ўқувчи)лар ўртасида бадий жамоалар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларнинг ўзлари таҳсил олаётган олий таълим муассасаси ҳамда яқин ҳудудлардаги маҳаллаларда бадий-ижодий чиқишларини ташкил этиб бориш.	1. Бадий жамоалар фаолиятини йўлга қўйиш. 2. Бадий жамоаларнинг бадий-ижодий чиқиши бўйича манзилли режа ишлаб чиқиш. 3. Ўтказилаётган бадий-ижодий чиқишларни оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш.	2018 йил сентябрь 2018 йил октябрь 2018 йил давомида	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар
18.	Талаба ва ўқувчилар иштирокида республика оммавий ахборот воситаларида талабалар ва ўқувчиларнинг чиқишлари бўйича танловлар эълон қилиш.	1. Танловлар низомини ишлаб чиқиш. 2. Танловлар дастурини ишлаб чиқиш. 3. Ўтказилаётган танловларнинг мониторингини юритиш.	2018 йил сентябрь 2018 йил октябрь 2018 йил давомида	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, манфаатдор вазирлик ва идоралар
19.	Талабаларнинг маънавият, тарих, санъат соҳасида ҳамда миллий қадриятлар ва анъаналар, маданий меросимиз тўғрисидаги билимларини бойитиш, уларда миллий гуруҳ ва ифтихор	1. Мазкур масала бўйича дастур ишлаб чиқиш. 2. Дастур асосида тадбирлар ўтказишни йўлга қўйиш.	2018 йил ноябрь режа асосида	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасасаси бўлган вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи,

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъуллар
	туйғуларини юксалтириш, уларни тарихий-маънавий меросимиз, урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш чораларини янада кучайтириш ҳамда натижадорлигини таъминлаш.	3. “Ватаним – менинг бахтим” шиори остида бой тарихий-маънавий меросимиз, урф-одат ва анъаналаримизни тарғиб этиш.	2018/2019 ўқув йили давомида	Республика Маънавият ва маърифат маркази, олий таълим муассасалари ректорлари
20.	“Ўқув даргоҳимизни юксак маънавият ва маърифат масканига айлантирамиз” мавзусида ижтимоий акциялар ташкил этиш.	1. Ижтимоий акциялар ўтказишнинг намунавий дастурини ишлаб чиқиш. 2. Ҳар бир таълим муассасасида дастур асосида ижтимоий акциялар ўтказиш. 3. Ижтимоий акциялар якуни бўйича республика форумини ўтказиш.	2018 йил сентябрь 2018 йил октябрь-ноябрь 2018 йил ноябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, тасарруфида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
21.	Олий таълим муассасаларининг Талабалар театр студияси ва “Қувноқлар ва зукколар” жамоаларининг ҳудуддаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўйлаб махсус режа-жадвал асосидаги ижодий сафарларини ташкил этиш.	1. Ижодий сафарларнинг режа-жадвалини ишлаб чиқиш. 2. Ҳар бир таълим муассасасида режа-жадвал асосида ижодий сафарлар уюштириш. 3. Ўтказилаётган ижодий сафарлар мониторингини олиб бориш.	2018 йил сентябрь режа-жадвал асосида мунтазам	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
22.	Талаба ва ўқувчи қизлар ўртасида “Қиз бола – бўлғуси оила бекаси” мавзусида давра суҳбатлари ташкил этиш.	1. Мазкур масала бўйича дастур ишлаб чиқиш. 2. Дастур асосида мутахассис тарғиботчилар рўйхатини шакллантириш. 3. Ҳар бир таълим муассасасида учрашув, давра суҳбати ва семинар-	2018 йил сентябрь 2018 йил октябрь 2018 йил сентябрь-декабрь	Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъуллар
23.	“Талаба ёшлар маънавий-ахлоқий онгини шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятлари” мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этиш.	<p>тренинглар ташкил этиш.</p> <p>1. Конференцияни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳни ташкил этиш.</p> <p>2. Конференцияни эълон қилиш ва унинг ахборот хатини тарқатиш.</p> <p>3. Конференция мақолаларини йиғиб олиш.</p> <p>4. Конференцияни ўтказиш.</p> <p>5. Конференция материаллари асосида хулоса таклифлари тайёрлаш.</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>2018 йил октябрь</p> <p>2018 йил сентябрь-октябрь</p> <p>2018 йил ноябрь</p> <p>2018 йил ноябрь</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
24.	Талабалар ва ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга доир ишлар тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш учун эълон қилинган грант танловлари натижасига кўра илмий грантлар ажратиш чораларини кўриш.	<p>1. Илмий грантлар мавзуларини аниқлаш бўйича эксперт комиссиясини тузиш.</p> <p>2. Илмий грантлар мавзуларини эълон қилиш.</p> <p>3. Грантларда эълон қилинган мавзулар бўйича тадқиқотлар натижаларини амалиётга татбиқ этиш чораларини кўриш.</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>2018 йил октябрь</p> <p>белгиланган муддатларда</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>
25.	Таниқли ва юқори илмий салоҳиятга эга академик ва профессор-ўқитувчиларнинг онлайн тарздаги видеодарсларини ташкил этиш тизимини жорий қилиш.	<p>1. Мазкур масала бўйича режа-жадвал ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Режа-жадвал асосида академик ва профессор-ўқитувчилар рўйхатини шакллантириш ва дарс жадвалини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2018 йил сентябрь</p> <p>2018 йил сентябрь</p>	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Фанлар академияси, манфаатдор вазирлик</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъуллар
		3. Ҳар бир йўналиш бўйича академик ва профессор-ўқитувчиларнинг онлайн видеодарсларини ўтказиб бориш.	тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ	ва идоралар
26.	Таълим муассасаларида “Оила – маънавият қўрғони”, “Шукроналик – улуғ неъмат”, “Ободлик кўнгилдан бошланади” мавзуларида мутахассислар иштирокидаги учрашув, давра суҳбати ва семинар-тренинглар ташкил этиш.	1. Мазкур масала бўйича дастур ишлаб чиқиш. 2. Дастур асосида мутахассис тарғиботчилар рўйхатини шакллантириш. 3. Ҳар бир таълим муассасасида учрашув, давра суҳбати ва семинар-тренинглар ташкил этиш.	2018 йил сентябрь 2018 йил сентябрь 2018 йил август-декабрь	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси
27.	Талабалар ва ўқувчиларда шукроналик ҳиссини янада кучайтиришга қаратилган “Эзгу ишларга дахлдорлик – улуғ фазилят”, “Лоқайдлик – жамият кушандаси” мавзусида илмий-ижодий танловлар ташкил этиш.	1. Танловлар низомини ишлаб чиқиш. 2. Низом асосида танловларни юқори савияда ташкил этиш.	2018 йил сентябрь 2018 йил сентябрь-декабрь	Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “17” сентябрдаги 736 -сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги “Маънавият ва маърифат” маркази
ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш
РАЗРЯДЛАРИ**

Т/р	Лавозимлар номи	Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари
1.	Директор	*
2.	Ташкилий, маънавий-маърифий ва ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича директор ўринбосари	**
3.	Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, маданий дам олишни ташкил этиш ва жамоатчилик билан ишлаш бўйича директор ўринбосари	**
4.	Бўлим бошлиғи	16
5.	Психолог	15
6.	Услубчи	14
7.	Бош бухгалтер	14
8.	Бош юрисконсулт	12
9.	Журналист-муҳаррир	12
10.	Бош дастурловчи	12
11.	Таржимон	12
12.	Бош ижтимоий ходим	12
13.	Ахборот хавфсизлиги бўйича бош мутахассис	12
14.	Видео-фото тасвир бўйича бош мутахассис	12
15.	Видео монтаж бўйича бош мутахассис	12
16.	Аудио монтаж бўйича бош мутахассис	12
17.	Веб-дизайнер	12
18.	Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими мудири	10
19.	Иқтисодчи	8

Т/р	Лавозимлар номи	Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари
20.	Девонхона ва архив бўлими мудир	7
21.	Кадрлар бўйича инспектор	6
22.	Архивариус	4
23.	Ғазначи	4

*) мос равишда олий таълим муассасасининг факультет декани базавий лавозим маошига тенглаштирилади;

***) мос равишда олий таълим муассасасининг факультет декани ўринбосари базавий лавозим маошига тенглаштирилади;

Марказнинг хўжалик ва хизмат кўрсатувчи ходимлари сони ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари – олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативлар ва меҳнатга ҳақ тўлаш миқдorigа мос равишда белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “17” сентябрдаги 736 -сон қарорига
4-илова

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида “Маънавият ва маърифат” марказини ташкил этиш тўғрисида” 2011 йил 12 январдаги 11-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 2 ва 3-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. 7-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида “Ижтимоий соҳа” учун назарда тутилган маблағлар доирасида Марказни сақлаш ва унинг фаолиятини молиялаштириш учун зарур маблағлар ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан “Маориф” соҳасига ажратиладиган харажатлар параметрларида назарда тутсин”.

3. 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

